

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекэкспертиза” АЖ
Кузатув кенгаши раиси



Б. Абидов

“12” июль 2023 йил

“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш бўйича СИЁСАТИ

СТТ- _____

Ишлаб чиқилган:

Бош директор
бошчилигида ишчи гурухи

2023 й. “4” июль

№ СТТ _____

(нуса №)

(ўзгариши мумкин)

(маъсул ходимнинг асл имзоси)

Маълумот нусхаси

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар
2. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари
3. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари
4. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари
5. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар
6. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби

1 боб. Умумий қоидалар

1. Коррупцияга қарши курашиш Сиёсат (кейинги ўринларда Сиёсат) “Ўзбекэкспертиза” АЖ, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Жамият)да ҳалоллик сиёсатини юритиш, яъни ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак ҳуқуқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Ушбу сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик ҳизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 595-сон қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими” Жамиятнинг умумий молия-хўжалик фаолияти доирасида қўлланилади, шу жумладан, экспертиза ўтказиш хизматлари, товарларни келиб чиқишини сертификатлаш, ташқи савдо ишларини текшириш ва товарларнинг сифати бўйича экспертиза қилиш йўналишларида.

3. Жамият сиёсатни ўз фаолияти спецификасидан келиб чиқиб қабул қилади, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ва мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

4. Қуйидагилар Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

-Жамият ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонунлари талаблари, шу билан бирга коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

-Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

-Жамиятнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-ходимларни Жамиятнинг фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

-Жамият ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

-коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5. Жамиятнинг бошқарув органлари коррупцияга қарши курашиш бошқарув тизимини талабларига риоя этиши ва бу тизимни доимий равишда такомиллаштириб бориш мажбуриятини олади.

6. Мазкур сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар, Жамиятнинг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.

7. Жамиятга ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишиши, унинг талабларига риоя қилиши лозим.

8. Мазкур сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар - Жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд

биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

давлат органлари ва муассасалари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва б. идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Жамият ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Жамият ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.;

контрагент – Жамият билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий хавф-хатар – Жамият ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Жамиятда коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги

қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва ёки обрўсидан фойдаланиш;

мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

манфаатлар тўқнашуви — Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

маҳаллийчилик – маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида

тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

уруғ-аймоқчилик – Жамият ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Жамият ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Жамиятда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Жамият учун хайрия мақсадларига йўналтириладиган мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари;

халқаро ташкилот – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

ходим – Жамият билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

шафелик – Жамият ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

2 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

9. Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, шунингдек Жамият ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан мурасасизлик (тоқатсизлик) - Жамият ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига мурасасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Жамият ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиклик ва шаффофлик - Жамият ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Жамиятда қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупцияга қарши амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этиладиган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Жамиятнинг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш - Жамият коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Жамиятнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул

қилиш учун ҳудудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда Жамият раҳбарига ҳеч қандай тўсиқсиз муурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик - Жамият ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва ҳолис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари жалб қилади;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш - Жамият даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Жамиятда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тизимли равишда ошириш чоралари кўрилади.

3 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

10. Жамият ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Жамият тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

11. Жамият ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни манфаатлар тўқнашуви декларациясига мувофиқ очиқлаши лозим.

12. Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатда белгилаб кўйилади.

13. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Жамият ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, танлов савдоларини ташкил қилиш, рейтингларни ҳисоблаш ва ҳ.к.).

2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

14. Жамият ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар меҳмондўстлик

белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бунда, конференциялар, семинарлар ва турли шу каби учрашувларда тақдим этиладиган умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробаридан ошмайдиган буюмлар бундан истисно ҳисобланади.

15. Жамиятда ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

- совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

- совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

- совгани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;

- совғалар Жамиятнинг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

- совгани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

- совганинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) баробаридан ошмаслиги лозим;

- Жамиятнинг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар қандай ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

16. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 14 ва 15-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган мазкур Сиёсатнинг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

17. Жамият номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар беришнинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) баробаридан ошмаган ҳолда, Жамият бошқарув органларининг тегишли кўрсатмаларига биноан амалга оширилади.

18. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигида шубҳа туғилган тақдирда Жамият ходими Жамиятда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3-§. Жамият ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

19. Жамият ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

- тадбир Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, мазкур сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

- тадбир Жамият ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

- тадбир Жамият ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаса, шунингдек бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказётган лойиҳа-тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаса;

- тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Жамият ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаса;

- тадбир умумэтироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келса ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаса;

- тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлса, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаса ва тез-тез такрорланиб турмаса.

20. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси Жамиятнинг ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

4-§. Ходимлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)

21. Жамият ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва ҳолис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

22. Номзодларни Жамиятга танлаш ва тайинлаш жараёни номзодларни Жамиятга қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади.

23. Жамиятда ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, ходимлар захирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этилиши тақиқланади.

24. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

25. Жамиятда ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ҳамда ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва Жамият ходимлари танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши лозим.

5-§. Жамият бўлинмаларининг фаолиятини тегишли қисми бўйича ўрганиш ва текширувлар ўтказиш

26. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда – текширув объектлари) Жамият ходимлари:

- манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текширувини якка ўзи амалга оширмаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари Жамият, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;
- йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва Ҳукумат қарорларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан кўрқитмаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;
- текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний баҳоланишини таъминлаши;

- қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (ўрни келганда), Жамият томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

- агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Жамият ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

- текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Жамият ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

27. Жамият томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган барча турдаги эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

28. Жамият мазкур сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

29. Контрагентлар билан муносабатларда Жамият қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

30. Жамиятда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

31. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Жамият:

- Жамиятда контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Жамият ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

- контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари қолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

32. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Жамият ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

7-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

33. Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

34. Жамият томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Жамиятнинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

35. Жамият томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда куйидаги талаблар бажарилиши лозим:

- хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

- бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

- Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни 10 кун ичида жойлаштириш.

8-§ Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

36. Ички ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда Жамиятнинг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказилади. Экспертиза натижалари бўйича хулоса тайёрлайди ва чеклист тўлдирди.

9-§ Жамият фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

37. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Жамият ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

38. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда Жамият ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

10-§ Жамиятдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

39. Жамият биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Жамиятнинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

40. Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

4 боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари

1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги

41. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

- мазкур Сиёсат;

- Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

- Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги

Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

42. Жамият раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

43. Жамият раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек ташкилот таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

44. Жамият раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари Жамият фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва

тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намоён қилади.

2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

45. Жамият ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.

46. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Жамиятнинг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоратадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастури ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул гуруҳ/тузилма

47. Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил этилади.

48. Жамиятда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ўз фаолиятини Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита Жамият Бош директорига бўйсунди. Мазкур тузилманинг вазифалари Жамият буйруғи асосида масъул ходим зиммасига юклатилади.

49. Жамият раҳбари коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси вазифаларини амалга ошириши учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси қўйидаги ваколатларга эга:

- Жамиятда коррупцияга қарши бошқарув тизими талабларини ишлаб чиқиш ва жорий этилишини назорат қилиш;

- Коррупцияга қарши бошқарув тизими ва коррупция билан боғлиқ масалалар бўйича ходимларга маслаҳат бериш;

- Коррупцияга қарши бошқарув тизимининг ISO 37001 халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

- Бошқарув органи коррупцияга қарши бошқарув тизимининг бажарилиши тўғрисида, зарур ҳолларда эса мувофиқликни таъминлаш бўйича Бош директори билан келишилган ҳолда ваколатли органларга ҳисобот бериш.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси коррупцияга қарши курашиш бошқарув тизимига тааллуқли ҳар қандай масала ёки муаммо юзасидан юқори даражада кўриб чиқиш зарурияти туғилган тақдирда Бошқарув органи билан бевосита ва тезкор алоқага киришиш ҳуқуқига эга.

50. Жамиятнинг Ходимлар билан ишлаш бўлими манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низомида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

51. Жамиятнинг барча муассасаларида алоҳида тартибда Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият юритади. Жамиятдаги Одоб-ахлоқ комиссиялари Жамиятдаги ходимларнинг этика ҳуқ-атвор қоидалари билан белгиланган меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

5-§ Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

52. Жамият коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

Жамият барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши курашиш тамойиллари, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

- Жамият раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали Жамиятда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

- Жамият ходимларини Жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

- Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан

таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

- Жамиятдаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг махсус дастурлари белгилаш. Ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Жамиятнинг ходимлар билан ишлаш бўлимида сақланади;

- мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Жамият ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

- мазкур сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Жамият ходимларига маслаҳатлар бериш;

- тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Жамиятда коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

- Меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларини киритиш. Жамият мазкур сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамиятнинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади;

- Жамият контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар мазкур сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамиятнинг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

6-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

53. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси Жамиятда амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини

баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

54. Мониторинг ва назорат Жамиятда Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

55. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

- оммавий ахборот воситаларининг Жамият ёки унинг ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Жамият контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

- самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Жамиятнинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

- Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

- Жамият ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш талаблари ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

- Жамият ходимларининг коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари ва талаблари тўғрисида хабардорлигини текшириш.

56. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан Жамиятда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

57. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш яқунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

7-§. Жавобгарлик

58. Мазкур сиёсатга ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган

коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

59. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Жамиятнинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

- ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, хизмат мавқеи ва ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш, олишга розилик бериш ёки олиш;

- мансабдор шахс ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Жамият манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

- расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

- порахўрлик ёки пора олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига фойдани топшириш ёки пора олувчилар берувчига улар ўртасида фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

- Жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

60. Ходимлар ўз раҳбари ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

61. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Жамиятда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир ҳолат (факт) бўйича Жамиятда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда хизмат текшируви ўтказилади.

62. Мазкур сиёсатни Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларни бузган Жамият ходимлари лавозимини ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари доирасида кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

63. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси уларни юзага келиш сабабларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

64. Ички текширувлар натижалари доимий равишда раҳбарга, Жамият ҳайъати ва Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

65. Жамият коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

5 боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

66. Жамият ходимлари ҳаракатларининг қонунийлиги ёки одоб-ахлоқ қоидаларига мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид ҳолат(факт)лар юзага келган тақдирда улар ҳақида Жамиятнинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

67. Жамият ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди.

68. Жамият ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини қафолатлайди.

69. Жамиятнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси томонидан Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички ҳужжатларга мувофиқ ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилади.

70. Жамият ходимлари томонидан қасддан ёлғон хабар юбориш мазкур сиёсат талабларини бузиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

6 боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби

71. Мазкур сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Жамият фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда.